



«Ташаббус — 2007»

# Эл олқишига пойик

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пойтахтнинг «Энг яхши тадбиркори» ва «Энг яхши хунарманди» номинацияси учун 2 тур 5 босқичда ўзаро беллашган иштирокчиларнинг чиқишларини ҳамда мах-

ди. Ҳамма иштирокчиларни ҳолисона баҳолашни ва кўрик-танловнинг республика босқичида энг муносиблар иштирокини таъминлашни мақсад қилган ҳайъат аъзолари ниҳоят голиб ва совриндорларни эълон қилди. Ҳамза туманидан иштирок этган «Alubond Poison Building technology» шўба корхонаси раҳбари Дониёр Раҳматуллаев «Энг яхши тадбиркор», Мирзо Улугбек туманидан миниатюрачи рассом Азимжон Алимбеков «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлиб 1-ўринни кўлга киритишди.



Шунингдек, тадбиркорлик йўналиши бўйича 2-ўрин «RADIKS» илмий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Пулат Каюмхўжаевга, 3-ўрин эса «HOLOS» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алексей Тенга насиб этди. Хунармандчилик йўналиши бўйича эса ёғоч ўймаkori Равшан Зиёев 2-ўрин, миниатюрачи ва сандиксоз Рустам Қосимов 3-ўринга пойик топилди. Яна шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг ёш тадбиркор», «Энг интизомли солиқ тўловчи», «Энг мурувватли тадбиркор», «Энг яхши кўргазма намойиши», «Энг яхши инвестор», «Энг яхши хунарманд экспортчи» ва бошқа кўллаб номиначилар бўйича голиблар ҳам аниқланди. Барча ўрин ва номина-



ция голибларига диплом, қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди. Энг муҳими, ҳеч бир иштирокчи эътибордан четда қолмади.

—Ташаббус—2007 кўрик-танловидаги илк қатнашувимиз ниҳоятда муваффақиятли келди,—дейди 1-ўрин соҳиби, тадбиркор, «Alubond Poison Building technology» шўба корхонаси раҳбари Дониёр Раҳматуллаев. — Албатта, бундай рағбат бизни янги изланишларга қорлайди, рақобатбардош қилиш ашёларининг янги турларини тайёрлаб, нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорларимиз сафини ошириш ниётидамиз.

Кўрик-танловда 1-ўринни эгаллаган тадбиркор ва хунармандлар «Ташаббус—2007»нинг республика босқичида пойтахт шарафини ҳимоя қилишга йўлланма олишди. Уларга фахат омад ёр бўлишини тилаймиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
**СУРАТЛАРДА: кўрик-танловнинг пойтахт босқичидан лавҳалар.**

Ҳақимжон Солихов олган суратлар



Кўргазмалар

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»НИНГ 1-ПАВИЛЬОНИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН МАКТАБ МЕБЕЛИ, ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ, КОМПЬЮТЕР СИНФЛАР УЧУН МАХСУС МЕБЕЛЛАР ВА СПОРТ АНЖОМЛАРИ КўРГАЗМАСИ БўЛИБ ЎТМОҚДА.

Кўргазмада 50 га яқин мактаб мебеллари, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлар учун махсус мебеллар ва спорт анжомлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ва ташкилотлар иштирок этмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, 2005-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига киритилган жами 8476 та мактаблар мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозланиши режалаштирилган. Умуммиллий дастур асосида республикамизнинг барча худудларида янги мактаблар қад кўтарилгани ва замон талаблари асосида таъмирланаётгани сир эмас. Биргина 2007 йилда Республика бўйича жами 1951 та мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган. Жумладан, 62 та янги мактаб биноларини қуриш, 479 тасини капитал реконструкция қилиш, 676 та мактаб биноларини капитал ва 716 тасини жорий таъмирлаш мўлжалланган. Дарҳақиқат жойларда бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган мактаблар билан бир қаторда вилоятлардаги таълим муассасаларининг замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ҳамда мебель ва спорт анжомлари билан талаб даражасида жиҳозланиши ҳам Давлат умуммиллий дастуридан алоҳида банд сифатида ўрин олган.

—Мазкур кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлашдир, — деди кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Туроб Жўраев. — Шунингдек, 2006 йилда жойларга етказиб берилган мактаб жиҳозларининг бугунги кундаги аҳоли, сифат ва дизайн кўрсаткичлари, уларнинг эргонометрик ва бошқа тур параметрларга жавоб бериши синов тажрибалари натижалари ва шу билан бир қаторда умумтаълим мактабларига етказиб бериладиган жиҳозлар бўйича ўқитувчилар, методистлар, мутахассислар, ота-оналар, ўқувчилар ва жамоатчилик фикрларини ўрганишдан иборат.

Кўргазма жорий йилнинг 10 мартгача давом этади.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: мактаб жиҳозлари кўргазмасидан лавҳалар.**

**А.Абдуллаев (ЎЗА) олган суратлар**



## ҲАМКОРЛИКНИНГ КўЛАМИ КЕНГ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2006 йилнинг сентябрыда эса Марказий Осиё мамлакатлари ва киллари Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи худуд барпо этиш тўғрисида»-ги шартномани имзоладилар.

Ўзбекистон раҳбари Ислон Каримов гоёсининг амалий натижаси бўлган бу шартнома минтақамизда тинчликни мустаҳкамлаш ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишда, пировардида, дунёда ялли ядровий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги гоёт муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимиз БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари билан турли йўналишларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг халқаро интеграцияни кучайтириш, барқарорликни мустаҳкамлаш ва давлатлараро

ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳамда тинчликпарварликка асосланган изчил сиёсати муҳим омил бўлмоқда.

Айниқса, ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКО билан алоқалар кўлами кенг. ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда бола-лар саломатлигини мустаҳкамлаш, жумладан, улар орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этишни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган кўллаб тадбирлар ўтказилмоқда.

ЮНЕСКО – Ўзбекистон маданий ҳаётида юз бераётган жараёнларнинг фаол аъзоси. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, қадимий шаҳарларимиз ва буюк аждодларимизнинг юбилей тадбирлари бу халқаро ташкилот

билан ҳамкорликда ўтказилди. Ўтган йили Хоразм Маърун академиясининг 1000, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейлари нишонлангани бунга ёрқин мисолдир.

Ўзбекистон – БМТнинг фаол аъзоларидан. Зеро, мамлакатимиз бутун дунёда тинчликни қарор топтириш юзасидан амалга оширилаётган кўллаб хайрли ишларнинг ташаббускорларидандир. Ташкилотнинг ўша пайтдаги Бош котиби Кофи Аннан 2002 йил октябрда юртимизга ташрифи чоғида Ўзбекистоннинг жаҳонда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди. Бу мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи юқалиб бораётганининг яна бир тасдиғидир.

**Анвар БОБОЕВ,**  
**ЎЗА шарҳловчиси**

Мактабгача таълим муассасаларида

## ЗАМОНАВИЙ КИЁФА ҚАСБ ЭТДИ

**ШАҲРИМИЗНИНГ ЧИЛОНРИЗ ТУМАНИДАГИ 262-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНИБ, БОЛЖОНЛАР ИХТИЁРГА ТОПШИРИЛДИ.**

Мазкур максадда таъмирлаш ишлари 2006 йилнинг ёз ойларида бошланган эди. Тошкент шаҳар «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ва «Меҳрли савдо» корхонаси ҳамкорликда ушбу муассасанинг бежирим, қулай ва шинам бўлишини таъминлашда ҳар то-

монлама кўллаб-қувватлаб турдилар. Қайта таъмирдан чиққан мазкур максадда бугунги кунда замонавий анжомлар билан жиҳозланган хоналар, ошхона, сузиш ҳавзаси, бола-лар спорт майдончаси, сабзавотлар турадиган омборхона болажонларнинг яйраб-қувнашлари, кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун шай қилиб қўйилди.

170 нафар болажонлар таълим-тарбия олаётган ушбу мактабгача таълим

муассасасининг мўъжазгина боғи ҳам кўзни қувнатди. У ерда ёшларнинг мириқиб ўйнашлари учун турли хил кўргазмалар кўнгирилган ўрнатилган. Болаларнинг тафаккурини янада мустаҳкамлаш мақсадида эса боғча ховлисида ҳар хил шаклдаги ақли чархлайдиган сонли ўйинлар сурати мавжуд.

Мазкур максад келажак-гизмининг ёрқин олдизлари бўлган ёшларнинг билимли, ақлли, доно, зукко ва ҳар томонлама бар-

камол, етук инсонлар бўлиб воёга етишларида муҳим босқич вазифасини ўтайди. Тарбия масканининг ораста, гўзал ва кўринимли бўлиши болажонларнинг кайфиятига ҳам таъсир кўрсатади албатта. Янги таъмирдан чиққан ва болажонлар ихтиёрига топширилган ушбу даргоҳ эса эзгулик йўлида хизмат қилиб қувнок болалиқнинг бахтли бекати бўлиб қолишига ишонамиз.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## УЧТЕПАЛИКЛАР БИРИНЧИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚўМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТҚАЗИЛДИ.**

Мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, хотин-қизларнинг спортга кенг жалб этиш, оилавий спортни ривожлантириш доимий эътиборда. Бундай эзгу юмушга вазирликлар, спорт федерациялари, соғломлаштириш мажмуалари, клублар билан бир қаторда жамоат ташкилотлари ҳам муносиб хисса қўймоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан спорт мураббийлари учун семинар ва давра суҳбатларининг ташкил этилиши, хотин-қизлар спартакиадалари, турли соҳаларда меҳнат қилаётган аёллар ўртасида турнирлар, «Энг спортчи оила», «Автомобиллик» каби мусобақалар, талаба қизлар беллашувларининг мунтазам ўтказилиши анъанага айланган.

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ўтказилган мазкур беллашувда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги тиббиёт муассасалари шифокор ва ҳамширалари иштирок этди. Улар арқон тортиш, енгил атлетика, аёллар футбол бўйича ўзаро кўч синашдилар.

Умумжамоа ҳисобида шахримизнинг Учтепа тумани жамоаси биринчиликти кўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Миробод ҳамда Сергели тумани вакилларига насиб этди.

(ЎЗА).

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗБОҢЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗБОҢЛАР


Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 3 апрель куни соат 11:00да Ўзбекистон банклари Ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилири бўлинмаси томонидан 2005 йил 11 майдаги 4939/6-сонли ижро ҳужжатга асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Учтепа тумани Ўрикзор мавзеси, 4-тор Тонг кўчаси, 26-хонадонда сақланаётган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10Q48-41 бўлган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси (двиг. №6634187, кузов №170011). Бошланғич баҳоси—144 539 сўм 06 тийин.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан 2007 йил 2 январдаги 10-0620/12091-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани А.Қодирий кўчаси, 78-уйда жойлашган МЧЖ шаклидаги «Sharq Model» қўша корхонасига тегишли бино ва иншоот ҳамда ишлаб чиқариш мажмуалари (4 қаватли ишлаб чиқариш биноси 1,2,4-қават ва В-блок 2-қават ошхона биноси, ҳамда шу бинода жойлашган трикотаж маҳсулотли ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна мажмуалари билан бирга). Бошланғич баҳоси — 2 693 485 170 сўм.

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилири бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриши мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатига ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан зақалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альяс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. тел. 138-69-94, 138-69-93.



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Мўр терар ар неки сочгай киши, Бўлди тирик гўрға кирмак иши.** Чумолининг тириклай гўрға кириши (ер остида ётиши) унинг одамлар сочганини териб ейиши — текинхўрлиги натижасидир.

**Муфид ашўёга доим иштигол эт. Вале бор ишда майли эътидол эт.** Ҳар вақт фойдали нарсаларга урин. Бекорга лақиллама. Лекин ҳар бир ишда ҳам жуда ортик уриниб, ўзинга жабр қилма, ўртача иш тут.

**Мулоийм такаллум ваҳшийларни улфат сари бошқарур.** Мулоийм муомала ваҳшийларни ҳам дўст қилади.

**Мустақим хат ҳар ёнки майл қилди, эгри бўлди, чолги Торидек эътидолидин тажовуз қилди, тузуги бузилди.**

Меъёрида тортилмаган чолғу тори дилкаш оҳанг таратмагидек, хат ҳам текис ёзилмаса, нафис чикмайди.

**Мушкни ҳар кеча сочар бедаранг, Тун сочига бермоқ учун бўю ранг.** Кечасига қоронғилик бериш учун қора рангни ҳар кеча беҳисоб (тўхтовсиз) сочш ўринсиз ҳаракатдир.

**Музхик эзур маст чу айлар хуруш, Сўзни тааммул била дер ахли хуш.** Хўшёр кишилар ўйлаб сўзласан, маст тартибсизлик қилиб, кишиларни ўзидан қулдиради.

**Минг йил ўлсанг дахр аро ё бир замон — Ким, ажал охир санга бермас амон.**

Бу дунёда хоҳ минг йил, хоҳ бир лаҳза яша, охир-оқибат ажал қўлидан қочиб қутулмайман.

**Мол ўлуб, гар йўқ кишининг ҳиммати, Маъни ахли олдида йўқ иззати.** Ҳимматсиз бойнинг оқиллар олдида эътибори йўқ.

**Муни билким, жаҳон фонийдур асру, Ҳақиқат ахли зиндонийдур асру.** Агар топса Сихандар мулки зотинг, Гар ўлса Нуз умрича ҳаётинг. Чу кетмоқлик керактур бот, агар кеч, Ҳамул давлат била бу умр эзур ҳеч.

Шуни билки, дунё жуда ўткинчидир, ҳақиқат ахлининг қисмати қайғу-аламдир. Агар Искан-дардай беҳисоб мулку, Нуҳ пайғамбардай узун умр сохиби бўлсанг ҳам, эртами-кечми, бу оламни тарк этишингга тўғри келади: шунча давлат билан ҳам бу умр ҳеч нарсга арзимайди. **Манга не ёру не ошиқ ҳавасдур, Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.**

**Молдин умрунға осойиш агар етмас, не суд, Нух умрин ҳосил этсанг, ганжи Корун қозғаниб.**

Корун (Мусо пайғамбар даврида яшаган киши)дай молу дунёнингни одамлардан қизғаниб, Нуҳ пайғамбардай минг йил яшасанг-у, ҳаётингда роҳат-фароғат бўлмаса, бу беҳисоб бойлиғу бу умр умрдан нима фойда?

**Май ичти, деб мени ёзгурманг, эй мусулмонлар — Ки, раҳматидин эмас ноумид габуру**

**Оллоҳ раҳматидан ҳеч ким, ҳатто оташпараст ва яхудийлар ҳам умидсиз эмас, бас, эй мусулмонлар, бор-йўғи май инганим учун мени гуноҳкор қилманлар.**

**Муроди гар эмас дилбар муроди, Илоҳи, бермагил ошиқ муроди.** Мурувват рангино инсоф иси кўз

**Бу рангу бўйлуқ гул йўқ чу олам гулситонинда.**

Одамлардан мурувват рангино инсоф исини умид қилма — олам гулситонда бу хил ранг ва бўйлик гул ҳеч қачон бўлмаган.

**Манга йўқ, ўзгага бори вафо қилгани гар топсам, Бошга эвралай, олдида жонимни фидо айлаб.**

**Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,**

**Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.**

Мен истаган кишилар мени ўз суҳбатларидан баҳраманд этмайдилар, менинг суҳбатимни истаганларни эса мен ҳушламайман.

**Мумкин эрмас қисмат ўлгон ризқиниғ афзулиғи, Бас, халойиқ миннатин то бўлға имкон чекмагил.**

Қисмат қилинган ризқни кўпайтириш мумкин эмас. Шундай экан, одамларга иложи борица тама қўлини чўзма.

**Мен вафо кимдин топай, бу шевани чун топмади**

**Офаринишда пари жинси, башар авлоди ҳам.**

Мен вафо кимдан топай: бу одатни азалдан пари жинси ҳам, одам авлоди ҳам топмаган бўлса?

**Менки бир гулдин жаҳон боғида бўе топмадим, Найлайин, қилса муаттар даҳрни бўстон иси.**

Бу жаҳон боғида мен бир гулнинг хидидан баҳраманд бўлолмасам, ер юзини бўстон иси босиб кетганидан менга нима фойда?

**Мурувват барча бермақдур, емак йўқ, Футувват барча қилмақдур, емак йўқ.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК!

Мустақиллик йилларида муҳта-
рам Президентимиз ташаббуси ва саяё-
харакатлари билан бой тари-
химизни ўрганиш ва англаш, ўзбек
халқининг маънавий қадриятлари-
ни тиклаш борасида жуда катта иш-
лар амалга оширилди. Қадимий ва
муқаддас заминимизда етишиб чиқ-
қан ва ҳақон цивилизациясига сал-
моқли ҳисса қўшган қанча-қанча
қадимий шаҳарлар, азиз авлиёлар,
буюк мутафаккир ва алломалар,
давлат арбоблари ва саркардалар-
нинг қадимлари қайта қурилди,
обод қилинди ва бу борадаги иш-
лар изчил давом этмоқда.
Президентимиз томонидан мам-
лакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳ-
рида жойлашган, халқимиз маъна-
вий меросининг узвий бир қисми
бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом)
меъморий мажмуасида қурилиш,

таъмирлаш ва ободонлаштириш иш-
ларини амалга ошириш мақсадида
«Ҳазрати Имом (Ҳастимом)» жамо-
атчилик жамғармасини қўллаб-қув-
ватлаш тўғрисида» қабул қилинган
Қарор бунга яққол мисол бўла ола-
ди. Ушбу Қарор муқаддас ислом
дини ва фалсафасини, унинг ин-
сонпарварлик ғояларини кенг ёйиш-
га хизмат қилиб келаётган йирик
илмий-маърифий марказнинг асл
тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда
кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш
ва ободонлаштириш ишларини
амалга ошириш, мажмуанинг инф-
ратузилмасини ҳар томонлама ри-
вожлантиришда муҳим ўрин тута-
ди.
Шуни алоҳида таъкидлаш керак-
ки, бу муқаддас даргоҳда амалга
оширилаётган ишларга Юртбоши-
мининг ўзлари бош-қош бўлмоқ-

далар. Ушбу йўналишдаги саяё-
харакатларни қўллаб-қувватлаш
мақсадида Ўзбекистон Республика-
си Вазирлар Маҳкамаси томони-
дан жамғарма ҳисобига 500 мил-
лион сўм маблағ ажратилди.
Уйлаймизки, мамлакатимизда бу
улуғ ва савобли ишга ўз ҳиссаси-
ни қўшиш ниятида бўлган инсон-
лар, қорхона, ташкилот ва муасса-
салар, тadbиркор ва ишбилармон-
лар қўллаб топилади.
Биз газетамиз орқали ана шун-
дай саховатпешаларга Ҳазрати
Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жам-
ғармасининг ҳисоб рақамларини
маълум қилмоқчимиз:
СТИР: 206849483
МФО: 00423
Х/р: 20212000604589442001
Ипотека банки АТИБ Меҳнат
филиали

ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИ
И.А.КАРИМОВ
ТОМОНИДАН 2007 ЙИЛ
МАМЛАКАТИМИЗДА
«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ
ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН
ҚИЛИНГАН ЧЕТ
ЭЛЛАРДАГИ КЕНГ
ЖАМОАТЧИЛИКДА
ҲАМОН КАТТА ҚИЗҚИШ
УЙҒОТМОҚДА.

Яқинда Германия-
нинг Квакенбрюк
(Куйи Саксония федер-
ал ўлкаси) шаҳрида
«Ижтимоий Ҳимоя
Йили» давлат дастури-
нинг тақдироти бўлиб
ўтди. У Ўзбекистон-
нинг Берлиндаги эл-
чихонаси ва Германиянинг
«Болаларга дўстона кўмак»
инсонпарварлик ташкилоти
хамкорлигида уюштирил-
ди.
Тадбирда Германиянинг
100 дан зиёд сиёсий, ил-
мий, маданий ва жамоатчи-
лик доиралари вакиллари
иштирок этди. Меҳмонлар
Ўзбекистон ҳукуматининг
аҳоли ижтимоий ҳимоясини
таъминлаш соҳасида олиб
бўраётган сиёсати, мустақил
ривожланиш йиллари даво-
мида республикада эришил-
ган ижтимоий-иқтисодий та-
раққиёт ҳамда 2006 йилги
«Ҳомийлар ва шифокорлар
Йили» давлат дастурининг
ҳаётга тадбиқ этилиши на-
тижалари билан атрофлича
танишдилар.
Квакенбрюк шаҳри бурго-
мистри Вольфганг Беккер
Ўзбекистонда ҳар бир йил
муайян ижтимоий йўналиш-

га бағишланиши яхши анъ-
анага айлиниб қолгани хусу-
сидаги фикрларини ўртоқ-
лашди. Шу маънода 2007
йилнинг «Ижтимоий Ҳимоя
Йили» деб эълон қилиниши,
негиз сиёсатининг фикр-
рича, ижтимоий соҳани яна-
да яхшилашга йўналтирил-
ган кенг кўламли ўзгариш-
ларнинг мантйқий давоми-
дир. Б.Беккер бу муста-
қилликнинг дастлабки ил-

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ —
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ
СИЁСАТИНИНГ УСТУВОРИГИ

«Болаларга дўстона
ёрдам» инсонпарварлик
ташкilotи раҳбари Ханс-
Диетер Майер Ўзбекистон
билан мавжуд ҳамкорлик
алоқалари юқори даражада-
лигини таъкидлар экан, маз-
кур тақдимот маросими меҳ-
да яхшилашга йўналтирил-
ган кенг кўламли ўзгариш-
ларнинг мантйқий давоми-
дир. Б.Беккер бу муста-
қилликнинг дастлабки ил-

каравотлари, тумба, юриш
учун мўлжалланган махсус
мосламалар, болалар
пойафзали ва бошқа тиб-
бий мосламалардан иборат.
Инсонпарварлик ёрдами
республика касалхоналари,
меҳрибонлик уйлари, реа-
билитация марказлари, шу-
нингдек, болалар сил касал-
ликлари санаторийси каби
тиббий муассасаларга тар-
қатилиши кўзда тутилган.

Жорий йил охиригача
инсонпарварлик ёрда-
мининг яна бир турку-
мини Ўзбекистонга
юбориш ниятидамиз.
«ГЕО ГМБХ» компани-
яси директори Петер
Штайнбах тадбир мав-
зуси юзасидан ўз фикр-
мулоҳазаларини ўртоқлашар
экан, жумладан, шундай
деди: «Аниқ мақсадга йўнал-
тирилган ижтимоий муҳофа-
зани кучайтириш, аҳолининг
ҳимояга муҳтож қатламлари-
ни, кам таъминланган оила-
лар, ноғиронлар, ёлғиз
қариялар ҳамда ёшларни
моддий ва маънавий жиҳат-
дан қўллаб-қувватлаш юза-
сидан Ўзбекистонда қурила-
ётган чора-тадбирлар тизи-
ми менда катта таассурот
қолдириди».
Тақдимот доирасида тад-
бир иштирокчилари эътибо-
рига Ўзбекистон тўғрисида
ҳиқоя қилувчи ҳужжатли
фильм ҳавола қилиниши ба-
робарида Ўзбекистон жами-
яти ҳаётининг турли қирра-
ларини акс эттирувчи турли
маълумотлар тўплами ҳам
тақдим этилди.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,
«Жаҳон» АА муҳбири
Берлин

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АБИТУРИЕНТ — 2007
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВ-
ЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ВА ТЕХНИКА
Йўналишлари бўйича
КИРИШ имтиҳонларига ТЕСТГА мукамал технология
асосида тайёрланиши хохлаган ёшларни (жумладан 10-11-
синф ўқувчиларини ҳам)
МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА, ИНГЛИЗ тили ҳамда ЎЗБЕК ва
РУС тилларидан тайёрлайди. Дарсларни университетнинг юқори
малакали ўқитувчилари олиб боради.
Ўқиш муддати 5 ва 3 ой.
Ўқиш 2007 йил 1 март ва 1 майдан бошланади.
Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
Университет кўчаси, 2-уй (Тошкент Давлат техника университетининг
бош биноси, «Олий математика» кафедраси, 7-қават, 708-хона).
Мурожаат учун телефонлар: 396-82-40 (ички телефонлар: 270, 263).

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг
«Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 3
апрель кuni соат 11.00 да Ўзбекистон банк-
лари Ассоциацияси биносида ўтказиладиган
очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни
қўймоқда. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур ту-
ман суд ижрочилари бўлинимаси томонидан
2007 йил 24 январдаги 989/2-сонли ижро ҳуж-
жатга асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар
Юнусобод тумани 5-марказидаги автомобил-
ларни саклаш жарима майдончасида сакла-
наётган Chevrolet suburban автотранспорт во-
ситаси, давлат рақами N4715555, 2000 йилда
ишлаб чиқарилган. Бошланч баҳоси —
25000000 сўм. Ушбу мулкни суд ижрочилари
бўлинимаси вакили иштирокида бевосита жой-
га чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш
учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳуж-
жат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда
объект бошланч баҳосининг 10 фоиз миқ-
дориди закалат пулини «Ўзбекистон банклари
Ассоциациясининг Универсал биржа маркази»
МЧЖнинг «Альянс» минибанкадаги, МФО 00417,
СТИР 204325773, Х/р 20208000804234776001
тўлашлари ва ариза топширишлари шарт. Иш-
тирок этиш учун топшириладиган аризаларни
қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхта-
тилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-
шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги
манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тош-
кент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев
кўч. 1-уй, тел. 138-69-94.

Ўзбек Давлат циркида 2007
йил 17 март соат 18-00 да,
18 март соат 14-00да ва 18-00да
«Ассалом, Наврўз» деб номланган катта
байрам концерти бўлиб ўтади.
Концертда: Собиржон Мўминов
Ўзбекистон халқ Шўхрат Қаюмов
артисти: Эстрада хонандалари:
Фулмонжон Ёқубов Анвар Собиров
Ўзбекистонда хизмат Дилшод Раҳмонов
кўрсатган артистлар: Ҳосила Раҳимова
Огабек Собиров Отабек Муҳаммадзо-
Гулсанам Мамазоито- хид
ва Равшан Комилов Шаҳнозобону иштирок
этадилар.
Касса соат 9-00дан ишлади.
Телефонлар: 144-35-91, 144-35-94,
144-29-04, 144-32-23.

Мунажжим башорати
3 МАРТ, ШАНБА
Кўёнинг балик буржи 13-даражасида бўлиши иши-
мизда икки хил ҳолатни билдиради: ё омадди, барка-
ро шерикчилик ёки ирим-сиримлар; ички бўшлиқ,
мафхрий рақибларнинг қаттиқ таъсири бизни қийнаши
мумкин.
Бугунги тўлин ой кунларидан бири янги ишларни бош-
лаш учун ғоят қулай келади. Таълим соҳасида ёки ўзи
билмишини оширишда, адабий-бадий ва журналистик ме-
хнатда катта ютуқларга эришишимиз мумкин экан. Лекин
бугун март ойининг қалтис кунларидан бири эканлигини
ҳам ҳисобга олиб қўйишингиз керак бўлади.
4 МАРТ, ЯҚШАНБА
Бугунги кун ҳисмоний меҳнат, омад келтирадиган
кун ҳисобланади. Айниқса, деҳқонлар ва ўрмончилар-
нинг катта омадлар кутади. Куннинг рамзи бўлган «Утин
кесувчи чол» шундан далолат беради.
Бугун кечаси соат 01.22 дақиқада Паризод буржининг
13-даражасида Ой туттилиши кутилади. Шунинг учун оғир
ишлардан ва ўзаро муносабатларни аниқлашдан тийилб
турганингиз маъқул. Ой туттилиши кунни йўл қўйилган хато-
ларни тузатиш жуда қийин бўлади, дейишади мунажжим-
лар.

ТВ OZBEKISTON TOHKENT SPORT 1 РОССИЯ

ДУШАНБА, 5

- «Ўзбекистон»
15.00 «Тахлилчи».
15.50 «Шахсий фикр».
16.30 «Наврўз оҳанглари».
16.40 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».
17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Ўзбекистон маданияти урф-одат-
лари ва анъаналари».
17.50 «Ҳаётимиз комуиси».
18.10 «Оҳанглари оғушида».
18.20 «Мен туғилган юрт».
18.40 «Ошин».
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20, 20.50 Дунё иқлими.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
20.10 «Янги оҳанглари».
22.00 «Икки тақдир».
22.45 «Қўшигимсан, муҳаббат».
23.00 «23.5 даража бурчак остида».
«Ёшлар»
7.00, 14.30 «Янги тонг».
9.00 Давринг боласи.
9.15 Шоҳсупа.
9.35 Спорт-старт.
9.50 Маргилон — 2000 ёшда!
9.55, 12.55, 15.55, 18.55, 21.55 Иқлим.
10.00 Давр ҳафта ичида.
10.30, 11.25 «Ер саяёсири».
11.20, 16.15, 20.50 Кино-SMS.
12.15 «Аёл — муқаддас!».
12.20 «Эрта сўнган юлдузлар».
12.45 Иш ва наво.
13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
13.15 Давринг боласи.
13.30 Нафосат олами.
13.40 Journal.
14.00 «Муқаддас замин».
15.30 Мафтункор ва бетакрор.
15.40 Фазал мулки.
16.20 «Муҳаббат қавҳаси». Серил.
17.00 Ватанпарвар.
18.00, 18.35 UZEX.
18.10 Давр-репортаж.
18.20 «Тасвир ва таассурот».
18.40 Телепортрет.
19.35 «Ёмғир симфонияси». Серил.
20.15, 22.30 SMS-музыка.
20.30 Қизикчи Шўхрулло Исроиллов тақ-
дим этади: «Буржосқ».
20.55 Омон бўлинг!
21.00 «Муҳаббат дардлари». Серил.
22.50 «Саломея». Серил.
«Тошкент»
17.55 М/ф «Алиса қўзғу орти ўлкасида».
18.05, 21.50 «Телекурёр-маркет».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Гвадалупе». Телесерил.
19.30 Музыка SMS.
19.50 «Будьте здоровы!».
20.20 «Генезис II... И сотворил человек
природу заново».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозеба».
22.10 «Аёл калби».
22.25 «Эсперансизми, ёдингиздами?».
22.50 «Лига выдающих джентельменов».

- 15.35, 18.35, 21.40 «Обзор. Чрезвычай-
ное происшествие».
16.20, 1.35 Серил «Улицы разбитых фа-
нарей».
19.40 Серил «Час Волкова».
20.40 Серил «Проклятый рай».
22.45 Серил «Сталин. LIVE».
23.45 Серил «Пари из стали».
00.45 «Школа злословия».
3.40 «Совершенно секретно. информа-
ция к размышлению».
«СТС»
8.00 «Самурай Икс». М/ф.
8.45 «Возвращение блудного попутая».
М/ф.
8.55, 16.00 «Смешарики». М/ф.
9.00, 16.05 «Приключения Вуди и его
друзей». М/ф.
9.30, 11.30, 19.00 Комедия «Моя пре-
красная няня».
10.00, 22.00 «Кадетство». Серил.
11.00, 21.30, 2.00 Истории в деталях.
11.28, 21.58, 2.28 Настроение с Евгением
Гришковцом.
12.00, 21.00 Комедия «Кто в доме хозяй-
ин?».
12.30 «Джекпот для Золушки». Серил.
14.20 «Ну, погоди!». М/ф.
14.30 «Не родись красивой». М/ф.
15.30 «Подземелье драконов». М/ф.
16.30 «Приключения полевого мышонка».
М/ф.
17.00 «Гаджет и гаджетини». М/ф.
17.30 «Скуби Ду». М/ф.
18.00 «Комиссар Рекс». Серил.
20.00 «Отчаянные домохозяйки». Серил.
23.00 «Убойная сила-6». Серил.
24.00 Кино «Американский ниндзя».
2.30 Фильм «Помпеи. Последний день».
3.20 «Непредсказуемая Сюзан».
3.45 Комедия «Тесная компания».
4.05 «Таксист».
5.35 «Ворон». Серил.
7.05 Музыка на СТС.
«ТВ-3»
8.00 Победоносный голос.
8.30 Х/ф «С меня довольно».
10.30 Деньги утром.
11.00 Х/ф «Шлепни ее, она французка».
13.00 Х/ф «Бабье лето».
15.00 М/с «Сабрина — маленькая ведьма».
15.30 М/с «Секреты Сабрины».
16.00 Х/ф «Жандарм из Сан-Тропе».
18.00 Х/ф «Спелютя».
20.30 Киномания.
21.00 Х/ф «Сплетня».
23.00 Х/ф «Анкор, еще анкор!».
1.00, 4.00 Серил «Клиент всегда мертв».
2.00 Х/ф «Пашаны против девчат».
5.00 Серил «Лезвие ведьмы».
6.00 Серил «Семья Сопрано».
7.00 Релакс.

- бок Независимости» по вольной и греко-
римской борьбе.
11.50 Теннис.
12.30 Мини-футбол. Чемпионат Узбекис-
стана.
18.15 Мультифильм.
18.50 «Сам себе режиссёр».
19.30 Дневник лиги чемпионов.
20.00 «Вести».
20.25 «Живите долго».
20.50 «Восточные единоборства».
21.10 «Спорт — моя жизнь».
21.50 Спортивный кинозал: «Мальшкана
миллион».
22.55 Еврофутбол. Чемпионат Англии.
«Первый канал»
5.00 Телеканал «Доброе утро».
9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 23.30
Новости.
9.05 «Малахов+».
9.50 «Два капитана».
11.50 «Чужие тайны». Серил.
12.10 «Понять. Простить».
12.40 «Лолита. Без комплексов».
13.25 «Детективы».
14.25 «Контрольная закупка».
15.15 Вне закона. «Черный санитар».
15.50 «Любовь как любовь». Серил.
16.55 «Федеральный судья».
18.10 «Пусть говорят».
18.50 «Ты — это я».
21.00, 3.00 Время.
21.30 «Капитанские дети». Серил.
22.30 «Женщина против мужчин».
23.45 Теория невероятности.
00.35 «Глас орудия».
01.25 «Ниндзя из Бевеири-Хиллз».
3.30 «Дамы пригласят кавалеров».
«Россия»
5.00 «Доброе утро, Россия!».
8.45 «Инна Чурикова. Судьба не изме-
няет».
9.35 «Ворон». Серил.
9.45, 13.45, 16.40, 19.40 Вести.
10.00, 11.50, 21.15 «Ваша честь».
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.30, 14.20, 17.20 Местное время.
12.50 «Частная жизнь».
14.40 «Суд идет».
16.00 «Кулагин и партнеры».
17.40 «Танго втроём». Телесерил.
18.40 «Ангел-хранитель».
20.45 Местное время.
21.15 «Спокойной ночи, малыши!».
23.05 «Жесткий романс Лидии Русланов-
вой».
00.15 «Вести+».
00.35 Фильм «Подержанные львы».
03.30 «Дорожный патруль».
2.55 Серил «Закон и порядок».
3.30 «Взгляд».
4.20 «Евроныос».
«НТВ»
6.00 «Сегодня утром».
9.05 «Наше все!».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Сегод-
ня».
10.20 «Чистосердечное признание».
11.00 «Две правды».
11.55 Серил «Стервы, или Странности
любови».
13.35, 19.40 Серил «Час Волкова».
14.35 Серил «Полный вперед!».
15.30, 18.35, 21.40 «Обзор. Чрезвычай-
ное происшествие».
16.20, 1.15 Серил «Улицы разбитых фа-
нарей».
20.40 Серил «Проклятый рай».
22.45 Серил «Сталин. LIVE».
23.45 Серил «Пари из стали».
00.45 «TOP Gear».
3.15 «Криминальная Россия».
4.10 Серил «Дедвуд».
«СТС»
8.00 «Самурай Икс». М/ф.
8.45 «Возвращение блудного попутая».
М/ф.
8.55, 16.00 «Смешарики». м/ф.
9.00, 16.05 «Приключения Вуди и его
друзей». М/ф.
9.30, 11.30, 19.00 Комедия «Моя пре-
красная няня».
10.00, 22.00 «Кадетство». Серил.
11.00, 21.30, 2.00 Истории в деталях.
11.28, 21.58, 2.28 Настроение с Евгением
Гришковцом.
12.00, 21.00 Комедия «Кто в доме хозяй-
ин?».
12.30 «Джекпот для Золушки». Серил.
14.20 «Ну, погоди!». М/ф.
14.30 «Не родись красивой». Серил.
15.30 «Подземелье драконов». М/ф.
16.30 «Приключения полевого мышон-
ка». М/ф.
17.00 «Гаджет и гаджетини». М/ф.
17.30 «Скуби Ду». М/ф.
18.00 «Комиссар Рекс». Серил.
20.00 «Отчаянные домохозяйки». Сери-
ал.
23.00 «Убойная сила-6». Серил.
24.00 Кино «Американский ниндзя. Схват-
ка».
2.30 Фильм «Сверхмассивные черные
дыры».
3.30 «Новый русский романс». Серил.
4.15 «Шит». Серил.
5.45 «Прикосновение зла». Серил.
7.10 Музыка на СТС.
«ТВ-3»
8.00 Победоносный голос.
8.30 Х/ф «Уют и радость».
10.30 Деньги утром.
11.00 Х/ф «Убийство».
13.00 Х/ф «Кто-то следит за тобой».
15.00 М/с «Сабрина — маленькая ведьма».
15.30 М/с «Секреты Сабрины».
16.00 Х/ф «Жандарм в Нью-Йорке».
18.00 Х/ф «Лунный папа».
20.30 Киномания.
21.00 Х/ф «Одно безумное лето».
23.00 Х/ф «В созвездии Быка».
1.00, 4.00 Серил «Клиент всегда мертв».
2.00 Х/ф «Сплетня».
5.00 Серил «Лезвие ведьмы».
6.00 «Семья Сопрано».
7.00 Релакс.

СЕШАНБА, 6

- «Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30,
21.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50, 23.00 «23.5 даража бурчак остида».
9.20 «Уйла, Изла, Топ!». Телемусобака.
«Полаксонтас». М/с.
10.30 «Остонаси тиллодан».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 Дунё иқлими.
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари».
11.55 Самарқанд — 2750.
12.15 «Одами зрсанг...».
12.35 «Ҳажвия бисотидан».
13.05, 22.00 «Икки тақдир».
13.45 «Дил таронаси».
14.20 «Кусто командасининг сувости сар-
гушазлари».
15.10 «Ватанпарвар».
16.10 «2007 — Ижтимоий Ҳимоя Йили».
«Ижтимоий Ҳимоя».
16.30 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».
16.50 Бахтли болалик қўшиқлари.
17.15 Эски альбом.
17.20 ИИВ хабарлари.
17.35 «Таълимга эътибор — келажакка
эътибор».
18.00 «Оҳанглари оғушида».
18.15 «Мен туғилган юрт».
18.35 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Ошин».
19.10 «Банк ва микоз».
19.20 Эркин мавзу.
22.45 «Қўшигимсан, муҳаббат».
«Ёшлар»
18.00 «2007 — Ижтимоий Ҳимоя Йили».
«Маточет».
18.15 Давр мавзуси.
18.30, 22.45 Кино-SMS.
18.35 Қўламан наволари.
18.50 «Аёл — муқаддас!».
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Ёмғир симфонияси». Серил.
20.10 JOKER телелотереяси.
20.15 Эълонлар.
20.20 Маргилон — 2000 ёшда!
20.25 KINOMANIYA.
20.55 Омон бўлинг!
21.00 «Муҳаббат дардлари». Серил.
21.50 Анонс.
22.30 SMS-музыка.
22.50 «Саломея». Серил.
«Тошкент»
7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.40, 10.30, 11.15, 18.25, 18.45,
20.15, 21.25, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Телесерил.
9.15, 22.25 «Эсперансизми, ёдингиздами?».
9.20, 18.05, 21.50 «Телекурёр-маркет».
9.45 «Аёл калби».
10.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.35, 19.30 Музыка SMS.
10.55, 20.50 «Интервью».
11.05 «Будьте здоровы!».
11.20 Кино «Лига выдающих джентельме-
нов».
17.55 М/ф «Алиса қўзғу орти ўлкасида».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Соғинч».
20.20 «Генезис II... И сотворил человек
природу заново».
21.00 «Мехрибонлик».
22.10 «Жозеба».
22.50 Кино «Игры разума».
«Спорт»
7.00 «Бодрое утро».
8.00, 10.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Детский спорт».
8.40 «Жили-были». М/ф.
9.05 «Малахов+».
9.50 «Шанхай». Док. фильм.
10.20 «Детективы».
10.50 Золотой Гран-при турнира на «Ку-

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00
«Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «23.5 даража бурчак остида».
9.10 «Олтин тож». Телеуйин.
9.45 ИИВ хабарлари.
10.00 «Таълимга эътибор — келажакка
эътибор».
10.20F Тошматов номидиги дуторчилар
(Давоми 4-бетда)

ЧОРШАНБА, 7

- «Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00
«Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «23.5 даража бурчак остида».
9.10 «Олтин тож». Телеуйин.
9.45 ИИВ хабарлари.
10.00 «Таълимга эътибор — келажакка
эътибор».
10.20F Тошматов номидиги дуторчилар
(Давоми 4-бетда)



Давлати Боши 3-бетда

ансамблининг концерти. 10.40 «Банк ва михоз». 10.50 «Сизнинг адвокатингиз». 10.55, 13.55, 19.20, 20.50 Дунё иқлими.

11.15, 20.05 «ТВ шифокор». 11.20, 20.10 «Оила ришталари». 11.55 «Увайсий». 12.20 «Ягона оғилда».

15.10 «Хайт манзаралари». 15.20 «Чимилдик». 16.35 «Бизнинг кутубхона».

17.15 «Эркин иқтисодиёт». 17.45 «Портретта чизилган». 17.55 «Оханглар оғушида».

18.00 «Бир асар тарихи». 18.20 «Ўзбек аёли» туркумидан. 18.40 «Ошин».

1.15, 3.25 Филм «Мулен Руж». 3.50 Филм «Цирк солнча». «Россия» 5.00 «Доброе утро, Россия!».

8.45 «Старые русские бабки. Никитина - Маврикевна». 9.45, 13.45, 16.40, 19.40 Вести.

10.00, 11.50, 21.15 «Ваша честь». 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести. 11.30, 14.00, 17.20 Местное время.

12.50 «Частная жизнь». 14.40 «Суд идет». 16.00 «Кулагин и партнеры».

17.40 «Танго втроем». Телесериал. 18.40 «Ангел-хранитель». 20.45 Местное время.

9.55, 12.55, 18.55 Иқлим. 9.00, 13.00, 19.00 Давр. 10.10, 23.05 Омон бўлинг!

10.15 Миллий кино: «Мафунингман!». 11.35, 12.15, 16.30, 19.40 Кино-SMS. 11.40 «Тасвир ва таассурот».

12.00 Телеспортрет. 12.20 Онага эъзоз - келажакка эъзоз. 12.35 «2007 йил - Ижтимоий ҳимоя йили».

12.50 Ишқ ва наво. 13.10 «Бўйғусоқ». 13.30 KINOMANIYA. 14.00 «Ишдаги ишқ».

16.40 «2007 йил - Ижтимоий ҳимоя йили». «Шарқ маликаси». 17.10 Бу шундай бўлган эди...

8.00 Победоносный голос. 8.30 Х/ф «Дай любви шанс».

11.00 Х/ф «Жандарм женится». 15.00 М/с «Сабрина - маленькая ведьма».

15.30 М/с «Секреты Сабрины». 16.00 Х/ф «Жандарм на отдыхе».

18.00 Х/ф «Приговор». 20.30 Киномания. 21.00 Х/ф «История Одри Хелперн».

1.00, 4.30 Сериал «Клиент всегда мертв». 2.00 Х/ф «Бишуно». 5.00 Х/ф «Кто-то следит за тобой».

«ТВ-3» 8.00 Победоносный голос. 8.30 Х/ф «Дай любви шанс».

11.00 Х/ф «Жандарм женится». 15.00 М/с «Сабрина - маленькая ведьма».

15.30 М/с «Секреты Сабрины». 16.00 Х/ф «Жандарм на отдыхе».

18.00 Х/ф «Приговор». 20.30 Киномания. 21.00 Х/ф «История Одри Хелперн».

1.00, 4.30 Сериал «Клиент всегда мертв». 2.00 Х/ф «Бишуно». 5.00 Х/ф «Кто-то следит за тобой».

«Россия» 5.00 «Доброе утро, Россия!». 8.45, 10.00 «Ваша честь».

9.45 «Мусулмане». 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести. 11.30, 13.45, 14.20, 17.20 Местное время.

17.50 «Федеральный судья». 18.15 «Пусть говорят». 19.00 «Поле чудес».

21.00, 3.00 Время. 1.55, 3.25 Комедия «Поцелуй меня на прощание».

4.10 Филм «Схватка». 5.00 «Доброе утро, Россия!».

«Ешлар» 7.00, 14.30 «Янги тонг». 9.00, 13.15 Давринг боласи.

18.45 Кўқам навалари. 19.30 «Ер сайбаси». 22.30 «Панох».

22.45 «Астерикс ва Обеликс. Клеопатра миссияси». 7.30 «Салом, Тошкент!».

8.30, 9.40, 10.35, 11.25, 18.25, 18.45, 19.55, 20.15, 21.25, 21.45, 22.45 «Анонс».

8.35, 18.50 «Гавдалупе». Телесериал. 9.15, 22.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?».

8.45 «Без рецепта». 9.20 «Смют». 10.20 «Главная дорога».

10.55 «Кулинарный поединок». 11.55 «Квартирный вопрос».

13.25 «Особо опасен!». 14.00 Филм «Молодая жена».

16.20 «Женский взгляд». 17.00 «Своя игра». 17.55 Сериал «Адвокат».

19.40 Профессия - репортер. 20.05 «Программа максимум».



«Первый канал» 7.00 «Бодрое утро». 8.00, 10.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».

8.20, 18.00 «Детский спорт». 8.35 «Жили-были».

9.05 «Маллахов +». 9.50 «Талада». Док. фильм.

10.20 «Детективы». 10.50 «Кучи бешлик».

11.40 Золотой Гран-при турнира на «Кубок Независимости».

12.00 Милли-футбол. Чемпионат Узбекистана.

18.20 Мультифильм. 18.50 «Мониторинг».

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАХАР ҲОКИМИЛИГИ Буюртма Г- 206

Бош мухаррир Акмал АКРОМОВ Манзилмиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар - 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи - 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми - 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 4398 нусxada босилди. Қўғоз бичими А-2

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқсони. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Тошпириди 13.00 1 2 3 4 6